



ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТУҒИЛИШНИ ҚАЙД

О.Ж. Холмуминов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Фуқаровий-ҳуқуқий
фанлар кафедраси доценти, юридик фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

З.Ш. Қаршибаева

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 1-ўқув курси 134-
гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13378836>

ARTICLE INFO

Received: 14th August 2024

Accepted: 15th August 2024

Published: 19th August 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Мамлакатимизда ҳар бир оилаларнинг фаровонлиги, тинчлиги, осойишталиги ва тинч-тотув ҳаёт кечириши жуда кенг муносабатларни ўз ичига оладиган жараёнлардир. Фикримиз исботи сифатида айтиб ўтишимиз лозимки, мамлакатимизда 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар йили”, 2007 йил “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2012 йил “Мустақкам оила йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили”, 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатили таълим йили” ҳамда 2024 йил эса “Ёшлар ва кичик бизнесни қўллаб қувватлаш йили” деб номланганлиги ва бу бўйича бир қатор давлат дастурлари қабул қилинганлиги, амалиётга жорий этилганлигини алоҳида қайд этишимиз зарур.

Албатта дунёда ҳар бир давлат ўз фуқароларини туғилиш ва бошқа турдаги юридик фактларини рўйхатга олишдан манфаатдор. Чунки, мамлакатимиз ҳам бошқа давлатлар каби ўзининг аҳолиси ва унинг мониторингини олиб боришни ва ҳисобини юритишни асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси мазмунида “Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади” деган конституциявий-ҳуқуқий норма сифатида белгиланганлиги жуда катта аҳамиятга эгадир¹. Чунки, ҳар бир оилада тирик туғилган фарзандлар, уларнинг жинсидан қатъи назар ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлатимизнинг Янги тахрирда қабул қилинган конституциямизда ўз аксини топганлиги индивидни, яъни ёш авлодларимизни барча муносабатлари, жумладан ҳуқуқий муносабатларини тўлақонли тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос десак бўлади.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145>. (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 205-211-моддалари мазмунида туғилишни қайд этиш билан ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Жумладан, 205-моддасида *“Болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойидан ёхуд ота-онасидан бири доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бир ой ичида амалга оширилиши лозим”*² ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги “Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида”ги 550-сон қарори³нинг 4-иловасига кўра, туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан,

1) 1-босқичда – тиббиёт муассасаси ходими томонидан (1. Бола ва унга бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги маълумотларни «Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш» ахборот тизимига киритиш ҳамда ушбу тизим орқали ФХДЁ бўлимига юбориш.

2. ФХДЁ бўлими томонидан туғилганлик ҳолатини қайд этиш рад этилганда, камчиликларни бартараф этиб, сўровномани қайта юбориш).

2) 2-босқичда – ФХДЁ бўлими томонидан (1. Бола, ота-она ва уларнинг никоҳи ҳақидаги маълумотларни қонунчилик ҳужжатларига асосан текшириб, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этиш ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юбориш.

2. Электрон тизим орқали келган маълумотлар қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда далолатнома ёзувини қайд этишни мазкур Регламентнинг 9-бандига асосан рад этиш ҳамда тиббиёт муассасасига рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган QR-код қўйилган хабарномани юбориш.

3. Сўровнома қайта келиб тушгандан сўнг, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этиш ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юбориш.

4. Болага оид маълумотларни комплекс тартибда бошқа хизматларни кўрсатиш учун Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ахборот тизимларига юбориш).

3) 3-босқичда – тиббиёт муассасаси ходими томонидан (QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани ариза берувчиларга чоп этиб бериш)).

4) 4-босқичда – Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими томонидан (Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» ахборот алмашинуви тизими орқали болани отаси ёки онаси ёхуд васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатда турган манзили бўйича рўйхатга қўйиш ва натижаси бўйича ота ёки онага СМС-хабар юбориш).

5) 5-босқичда – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан (Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимида

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. – №5-6. <https://www.lex.uz/acts/104720>. (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2023 й., 09/23/550/0793-сон. <https://lex.uz/docs/6638940>. (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

сўровда кўрсатилган давлат мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўйиш ва натижаси бўйича ота ёки онага СМС-хабар юбориш)

6) 6-босқичда – Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан («Электрон поликлиника» ахборот алмашинуви тизими орқали она рўйхатда турган поликлиникага (рўйхатда турмаган тақдирда доимий ёки вақтинча рўйхатда турган яшаш манзилидаги поликлиникага) болани рўйхатга қўйиш ва рўйхатга қўйилганлиги ҳақида ота ёки онага СМС-хабар юбориш).

7) 7-босқичда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан (1. Фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини расмийлаштириш ва натижаси бўйича ота ёки онага СМС-хабар юбориш.

2. Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда ушбу ҳудудда тўланган фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақаларнинг умумий суммасидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни Халқ банки филиалининг ҳисобварағига молиялаштириш.

3. ФХДЁ бўлимнинг электрон маълумотларига асосан ҳудудда туғилганлик ҳолати қайд қилинган болалар сонига мувофиқ доимий рўйхатга қўйганлик учун маблағларни белгиланган тартибда Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобварағига молиялаштириш).

8) 8-босқичда – Халқ банки томонидан (Бир марталик нафақа тўловини олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг нафақага бўлган ҳуқуқини Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига электрон сўров юбориш орқали тасдиқлаш ҳамда нафақа тўловини амалга ошириш, тўлов амалга оширилганлиги ҳақида маълумотни ота ёки онага СМС-хабар орқали юбориш).

9) 9-босқичда – ФХДЁ бўлими томонидан (Ариза берувчиларнинг исталган вақтдаги талабига асосан туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномани экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб бериш).

Шунингдек, туғилишни қайд этишда 2024 йил 30 май куни ҳолатида, Ўзбекистон аҳолиси **37.067.678 нафар** яъни эркаклар **18.633.922 нафар**ни, аёллар эса **18.378.155 нафар**ни ташкил этди⁴. Демак, юқоридаги статистик маълумотларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда аҳолини туғилишини қайд этиш маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Чунки, унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш идораси билан ҳар бир фуқаро ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Яъни ҳар бир оила аъзоси ўз фарзандларини туғилганлик фактини қайд этишни фуқаролик ҳолати далолатномалари орқали амалга оширишини амалиёти мавжуд. Бу жараёнлар мамлакатимиз аҳолисининг ўртача ёш даражасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади. Шу ўринда, хориж тажрибасини келтирадиган бўлсак, аҳолининг ўртача ёш даражаси Японияда – 48,6 ёшни, Германияда – 47,8 ёшни, Италияда – 46,5 ёшни, Францияда – 41,7 ёшни, Австрияда – 44,5 ёшни, Россияда – 40,3 ёшни, АҚШда – 38,5 ёшни, Канадада – 41,8 ёшни, Австралияда – 37,5 ёшни, Қозоғистонда – 31,6 ёшни ташкил этади.

2023 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўртача ёши 29 ёшни ташкил этган. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, жинси бўйича: эркаклар учун – 28,3 ёш; аёллар учун – 29,7 ёш ўртача кўрсаткич сифатида қайд этилган. Маълумот учун, 2023 йилда Ўзбекистонда доимий аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 74,7 ёшни ташкил этган⁵.

⁴ <https://www.stat.uz/uz/59-foydali-ma-lumotlar/5859-o-zbekiston-aholisi-3> (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

⁵ <https://kun.uz/kr/news/2024/04/12/uzbekiston-aholisining-ortacha-yosh-korsatkichi-malum-qilindi>. (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

Туғилишни қайд этиш масаласини ҳуқуқий муносабатлар сифатида қўйидаги кўринишларни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Хусусан, *Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар* – бошқарувга асосланган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан ижтимоий муносабатларни белгилаб беради. Демак, туғилишни қайд этишда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари бошқаруви билан фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Бундай жараёнларда давлат органлари билан фуқаролар ўртасида онлайн ва офлайн шаклда бир қанча хизматлар орасида туғилишни қайд этиш хизмати ҳам кўрсатилиши белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил

15 февралдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида ҳамда расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 134-сон қарори⁶ асосида 2024 йилнинг биринчи ярмида туғилганлик тўғрисида маълумотномани олиш статистикасига назар соладиган бўлсак, жами **37.278 нафар**ни ташкил этган бўлса, шундан

8.375 нафар маълумотномалар ягона портал орқали расмийлаштирилган⁷.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар – жисмоний (юридик) шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик-ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Демак, давлат томонидан ҳар бир индивид (инсон, фуқаро)нинг туғилиши қайд этилганидан сўнггина фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиси сифатида бир неча ҳуқуқ

ва мажбуриятларга эга бўлиши ва уни амалга ошириш лаёқатига эга бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Фуқаролик кодексининг

16-модаси мазмунида белгиланган тартибда *жисмоний шахслар* – фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади⁸.

Хуллас, ҳар биримиз оилавий муносабатларида туғилишни қайд этиш муҳим масала ёки муҳим натижа деб ҳисоблаймиз. Оилавий муносабатларнинг аъзоси сифатида оиламизда туғилган фарзандларимизни (ўғил, қиз)лар учун давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитларидан ва имтиёزلардан самарали фойдаланишимиз ва фарзандларимиз учун ҳам барча имкониятларни, шароитларни яратиб беришга масъулмиз.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, қўйидаги таклиф

ва тавсияларни санаб ўтишимиз мумкин. Жумладан,

Биринчидан, дунёда энг ривожланган ёки ривожланган давлатларда ҳам туғилишни қайд этиш ёки туғилиш факти (ҳолати) жуда жиддий масалалардан бири бўлаётганлиги сабабли Ўзбекистонда туғилишни қайд этиш масаласи юзасидан оилавий муносабатларда никоҳланувчи йигит ва қизларнинг соғлиғи ва саломатлигига жиддий эътиборни кучайтириш;

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 09/19/134/2621-сон. <https://lex.uz/docs/4202186>. (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

⁷ <https://my.gov.uz/uz/service/298>. (Мурожаат вақти: 20.06.2024 й.).

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. № 2. <https://lex.uz/acts/111189>. (Мурожаат вақти: 30.05.2024 й.).

Иккинчидан, аҳолини демографик ҳолатини айнан ёшартириш чораларини кўриш юзасидан тегишли вазирлик, қўмита ва бошқа давлат органларига аниқ вазифаларни белгилаб, уларни мунтазам равишда амалга ошириш;

Учинчидан, оилада туғилган ҳар бир фарзанд (ўғил, қиз)ларни айнан ўз ота-онасига, Ватанига ва миллатига бўлган барча йўналишларига оид муносабатларини, хислатларини, қобилиятларини мактабгача таълим муассасалари, ўрта мактаб (хусусий мактаблар)ни тамомлагунига қадар тўлиқ шакллантирилишига эришиш муҳимдир.

